

“Урганч ёғ-мой” АЖ акциядорлари диққатига!

Ҳурматли акциядорлар, “Урганч ёғ-мой” АЖ акциядорларининг 2021 йил 30 июнь кунига белгиланган навбатдаги йиллик умумий йиғилиши кворум йўқлиги боис бўлиб ўтмагани сабабли кун тартибига ўзгартиришлар киритилмаган ҳолда 2021 йил 27 август кунини соат 10.00 да, Урганч ш., И.Дўсов кўчаси, 2 уйда такроран чақирилади.

Кун тартиби:

1. Умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш.
2. Умумий йиғилиш санок комиссиясининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
3. “Урганч ёғ-мой” АЖ Ижроия органи раҳбарининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш ҳамда 2020 йил учун тасдиқланган бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши тўғрисидаги йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
4. “Урганч ёғ-мой” АЖнинг 2020 йил якуни бўйича жамият тафтиш комиссиясининг ҳисоботини эшитиш.
5. “Урганч ёғ-мой” АЖнинг 2020 йил якуни бўйича жамият ташқи аудиторининг ҳулосасини эшитиш.
6. “Урганч ёғ-мой” АЖнинг 2020 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси, молиявий натижалар, фойда ва зарарлар ҳисобварағини тасдиқлаш.
7. “Урганч ёғ-мой” АЖнинг 2020 йилдаги фойда ва зарарларни тақсимлаш, жамиятнинг жойлаштирилган акцияларининг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартибини тасдиқлаш.
8. “Урганч ёғ-мой” АЖ нинг 2021 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.
9. Жамият ижроия органининг аффилиланган шахслар билан тузиладиган битимларни ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш ва уларнинг тузилишини маъқуллаш тўғрисида.
10. “Урганч ёғ-мой” АЖ Кузатув кенгашининг 2020 йил якунлари бўйича унинг ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан ҳисоботини эшитиш.
11. “Урганч ёғ-мой” АЖнинг 2020 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича мустақил баҳолаш ташкилоти ҳисоботини кўриб чиқиш.
12. Жамият томонидан Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этилиши масаласини кўриб чиқиш ва натижалари юзасидан хабар бериш шаклини тасдиқлаш.
13. 2021 йил якуни бўйича жамият ташқи аудиторини тасдиқлаш ва унинг хизмати учун ҳақ тўлаш миқдорини белгилаш.
14. “Урганч ёғ-мой” АЖ томонидан “Қарақалпақ агро” МЧЖнинг устав капиталига киритилган таъсис улушидан воз кечиш тўғрисида.
15. “Тўмарис” аёллар футбол клубига ҳомийлик кўрсатиш тўғрисида.
16. “Урганч ёғ-мой” АЖнинг янги таҳрирдаги Устави ва ички корпоратив ҳужжатларини тасдиқлаш.
17. “Урганч ёғ-мой” АЖнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.
18. “Урганч ёғ-мой” АЖ ижроия органи раҳбари билан меҳнат шартномасини акциядорларнинг кейинги навбатдаги йиллик умумий йиғилишигача узайтириш ёки янги раҳбар сайлаш тўғрисида.
19. “Урганч ёғ-мой” АЖ ижроия органи аъзоларини сайлаш.
20. “Урганч ёғ-мой” АЖ жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
21. “Урганч ёғ-мой” АЖ кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати жорий йилнинг 23 август ҳолатига тузилади.

Йиғилишда кўриладиган масалалар бўйича акциядорларга тақдим этиладиган материаллар билан танишиш ёки маълумот олиш учун қуйидаги манзил/электрон почта манзили ёки телефон рақамларига мурожаат этишингиз мумкин:

Урганч шаҳри, И.Дўсов кўчаси, 2 уй

e-mail: info@urganchyog.uz, urganchoil@umail.uz.

Тел: 0 (362) 224-57-57

Йиғилишда қатнашадиган акциядорлар ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ишончли вакиллар ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари сўралади.